ишлов беришимиз мумкин.

### **Операция 020 Вертикал пармалаш**

**1 ўтиш. 3 юзада Ø5,2 мм тешик 55 мм чуқурликда пармалансин**

Кесувчи асбоб, Спирал парма Ø5,2 ГОСТ 10903-77, Р6М5

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{и.юр.} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, ([2], 303 \text{ б.})$$

$$L_{\text{кес}} = 55 \text{ мм}$$

$$y = 4 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм } ([2], 301 \text{ б.})$$

$$L_{и.юр.} = 55 + 4 + 2 = 61 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_0 = 0,1 \text{ мм/айл } ([2], \text{С-2, 111б})$$

Дастгоҳ буйича  $S_0 = 0,1 \text{ мм/айл}$

3. Кесувчи асбоб турғунлиги топамиз

$$T = 20 \text{ дақ } ([2], \text{С-3, 114б})$$

4.Кесиш тезлигини хисоби

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/ дақ}$$

$$V_{\text{ж}} = 10 \text{ м/ дақ}$$

$$K_1 = 0,85 ([2], \text{С-4, 115б})$$

$K_1$ -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_2=1,15 \text{ ([2], C-4,1156)}$$

$K_2$ -кесувчи асбоб турғунлигига боғлиқ коэффициент;

$$K_3=1,0 \text{ ([2], C-4,1156)}$$

$K_3$  – диаметрни кесиш узунлиги нисбатига боғлиқ коэффициент;

$$V = 10 \cdot 0,85 \cdot 1,15 \cdot 1 = 9,7 \text{ м/ дақ}$$

5. Шпиндельни айланишлар сонини топамиз

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 9,7}{3,14 \cdot 5,2} = 594 \text{ айл/дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз  $n = 500$  айл/дақ

6. Хакикий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 5,2 \cdot 500}{1000} = 8,1 \text{ м/ дақ}$$

7. Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{u.юр}}{n \cdot S_0} = \frac{61}{500 \cdot 0,1} \cdot 3 = 1,2 \text{ дақ}$$

8. Кесиш кучини топамиз

$$P_0 = P_{ж} K_p, \text{ кг}$$

$$P_{ж} = 160 \text{ кг}$$

$$K_p = 1,1 \text{ ([2], C-5, 1246.)}$$

$K_p$ - материалга боғлиқ коэффициент

$$P_0 = 160 \cdot 1,1 = 176 \text{ кг}$$

9. Кесиш қувватини топамиз

$$N_{кес} = N_{ж} \odot K_N \frac{n}{1000}, \text{ кВт}$$

$$N_{ж} = 1,3 \text{ кВт ([2], C-6, 126 б)}$$

$$K_N = 1,1$$

$K_N$  -материалга боғлиқ коэффициент

$$N_{кес} = 1,3 \cdot 1,1 \cdot \frac{500}{1000} = 1,0 \text{ кВт}$$

текширамыз



$$N_{\text{кес.}} < N_{\text{дв.}} \cdot \eta$$

ишлов беришимиз мумкин

**2 утиш. 3 юзадаги Ø5,2 мм тешикда 10 мм чуқурликда М6 мм резба очилсин**

Кесувчи асбоб, Машина метчиги М6, У10А

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}, ([2], 303 \text{ б.})$$

$$L_{\text{кес}} = 10 \text{ мм}$$

$$y = 4 \text{ мм}$$

$$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм } ([2], 301 \text{ б.})$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 10 + 4 + 2 = 16 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_0 = 1 \text{ мм/айл } ([2], \text{С-2, 111 б.})$$

$$\text{Дастгоҳ бўйича } S_0 = 1 \text{ мм/айл}$$

3. Кесувчи асбоб турғунлиги топамиз

$$T = 30 \text{ дак } ([2], \text{С-3, 114 б.})$$

4. Кесиш тезлигини ҳисоби

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1, \text{ м/ дак}$$

$$V_{\text{ж}} = 6 \text{ м/ дак}$$

$$K_1 = 0,85 \text{ } ([2], \text{Р-2, 162 б.})$$

$K_1$ -материалга боғлиқ коэффициент;

$$V = 6 \cdot 0,85 = 5,1 \text{ м/ дак}$$

5. Шпиндельни айланишлар сонини топамиз

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 5,1}{3,14 \cdot 6} = 270 \text{ айл/дак}$$

$$\text{Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз } n = 250 \text{ айл/дак}$$

6. Хақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 6 \cdot 250}{1000} = 5 \text{ м/ дак}$$

7. Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{u.юр}}{n \cdot S_0} = \frac{16}{250 \cdot 1} = 0,1 \quad \text{дақ}$$

8.Кесиш кувватини топамиз

$$N_{\text{кес}} = \frac{M \cdot n}{97400}, \text{ кВт}$$

$$M = 40 \quad \text{кГсм ([2], Р-2,1625)}$$

$$N_{\text{кес}} = \frac{40 \cdot 24}{9740} = 0,1 \text{ кВт}$$

текширамыз

$$N_{\text{кес}} < N_{\text{дв}} \cdot \eta$$

ишлов беришимиз мумкин

### 3.8. Сарфланган техник вақт меъёрини аниқлаш

Машинасозликда вақт меъёри белгилаш металл кесиш дастгоҳларида бажариладиган алоҳида операция учун сарфланган вақтни ёки вақт бирлиги ичида тайёрланадиган деталлар миқдорини аниқлаш демакдир. Техник меъёрлаш деганда маълум бир ишни бажариш учун сарфланган вақт меъёрини аниқлаш тушинилади. Вақт меъёрини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Ишни бажариш учун сарфланган вақт бирлиги технологик жараёни қандай даражада такомиллашганлигини кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Шундай қилиб техник асосланган вақт меъёри деганда маълум бир ташкилий-техникавий шароитларда ишлаб чиқариш воситаларидан илғор усуллар ёрдамида унумли фойдаланиб технологик жараён операциясини бажариш учун сарфланган вақт тушинилади. Вақт меъёрини техник ҳисоблар ва таҳлиллар асосида дастгоҳларни ва кесувчи асбобларни имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни, ишлов берилаётган деталга қўйилган техникавий шартларни инобатга олиб аниқланади.

Техник вақт меъёрини аниқлаш алоҳида операция бажаришни таҳлил қилиб, ҳар бир иш учун сарфланган вақтни ҳисоблаш асосида олиб борилади.

Бу усул ҳисобий аналитик усул деб юритилади. Серияли ишлаб чиқариш шароитида вақтларни техник меъёрлаш қабул қилинган кесиш маромлари бўйича ҳисобий аналитик усулида бажарилади.

Донали калькуляцион вақт қуйидагига аниқланади.

$$t_{\text{дк}} = t_a + t_{\text{ёр}} + t_{\text{тех}} + t_{\text{таш}} + t_{\text{дам}} + \frac{T_{\text{Т.Я}}}{n},$$

бу ерда

$t_a$  - ишлов беришга сарфланган асосий вақт, дақ.;

$t_{\text{ёр}}$  - асосий ишини бажариш учун зарур бўлган ёрдамчи ҳаракатларга сарфланган вақт, дақ.;

$t_{\text{оп}} = t_a + t_{\text{ёр}}$  - оператив вақт, дақ.;

$t_{\text{тех}}$  - техник хизмат кўрсатиш вақти, асосий вақтни 3% га тўғри келади, дақ.;

$t_{\text{таш}}$  - ташкилий хизмат кўрсатиш вақти, оператив вақтдан 2,5% га тўғри келади, дақ.;

$t_{\text{дам}}$  - дам олиш вақти, оператив вақтидан 5% га тўғри келади, дақ.;

$T_{\text{Т.Я}}$  - тайёрлов якуний вақт, дақ.;

$n$  - партиядаги деталлар сони.

### Операция 005

$t_a = 1,6$  дақ.;

$t_{\text{ёр}} = 1,0$  дақ.;

$t_{\text{оп}} = 1,6 + 1,0 = 2,6$  дақ.;

$t_{\text{тех}} = 1,6 \cdot 0,03 = 0,05$  дақ.;

$t_{\text{таш}} = 2,6 \cdot 0,025 = 0,06$  дақ.;

$t_{\text{дам}} = 2,6 \cdot 0,05 = 0,12$  дақ.;

$t_{\text{дк}} = 1,6 + 1,0 + 0,05 + 0,06 + 0,12 + 28/129 = 3,0$  дақ.

### Операция 010

$t_a = 3$  дақ.;

$t_{\text{ёр}} = 1,2$  дақ.;

$t_{\text{оп}} = 4,2$  дақ.;

$t_{\text{тех}} = 3 \cdot 0,03 = 0,09$  дақ.;

$t_{\text{таш}} = 4,2 \cdot 0,025 = 0,1$  дақ.;

$$t_{\text{дам}} = 4,2 \cdot 0,05 = 0,2 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{дк}} = 3 + 1,2 + 0,09 + 0,1 + 0,2 + 30/129 = 4,8 \text{ дақ.}$$

### Операция 015

$$t_a = 3,7 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{ёр}} = 1,4 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{оп}} = 5,1 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{тех}} = 3,7 \cdot 0,03 = 0,1 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{таш}} = 5,1 \cdot 0,025 = 0,1 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{дам}} = 5,1 \cdot 0,05 = 0,2 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{дк}} = 3,7 + 1,4 + 0,1 + 0,1 + 0,2 + 30/129 = 5,7 \text{ дақ.}$$

### Операция 020

$$t_a = 1,3 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{ёр}} = 0,6 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{оп}} = 1,9 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{тех}} = 1,3 \cdot 0,03 = 0,04 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{таш}} = 1,9 \cdot 0,025 = 0,05 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{дам}} = 1,9 \cdot 0,05 = 0,1 \text{ дақ.};$$

$$t_{\text{дк}} = 1,3 + 0,6 + 0,04 + 0,05 + 0,1 + 30/129 = 2,3 \text{ дақ.}$$

### 3.9. Технологик жараён ҳужжатлари

ГОСТ3.1105-74 Форма 4

Инв №			Имзо ва сана			Инв №			Имзо ва сана			Пастки фланец		1,2		
Фар ПИ, Механика факултети «МСТва А» кафедраси						Маршрут картаси						Қўйма		1,5		
												Пўлат 25Л ГОСТ 977-85		207		
Тартиб рақами			Операциялар номи ва мазмуни						Жихозлар (номи ва тури)		Мослама ва ёрдамчи асбоблар (номи ва коди)		Кесувчи асбоблар (номи ва коди)		Ўлчовчи асбоблар (номи ва коди)	
Цех	Бўлим	Опера ция														
		005	Токарлик винтқирқар						Токарлик винтқирқар 1К62			Ён томон  кесувчи  кескич, ГОСТ 18880- 73, Т15К6  Утувчи тиргак кескич, ГОСТ 18879- 73, Т15К6	Штанген- циркуль ШЦ-1 0-150 ГОСТ 166-80			
		1	А юза 50 мм га кесилсин													
		2	Д юза 13 мм га кесилсин													
		3	Г юза Ø41 мм га қора йўнилсин													
		4	Г юза Ø40 мм га тоза йўнилсин													
												Лойихаловчи	Кенжаев Н.		Варак	
												Рахбар	Мамуров Э.			
															Вараклар	
	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Каф. Мудир	Файзиматов Ш.				

Инв №		Имзо ва сана				Инв №		Имзо ва сана		Пастки фланец		Қўйма				
										Пўлат 25Л ГОСТ 977-85						
Тартиб рақами			Операциялар номи ва мазмуни						Жихозлар (номи ва тури)		Мослама ва ёрдмачи асбоблар (номи ва коди)		Кесувчи асбоблар (номи ва коди)		Ўлчовчи асбоблар (номи ва коди)	
Цех	Бўлим	Опера ция														
		010	Вертикал пармалаш						Вертикал пармалаш 2Н125				Спирал парма Ø16, ГОСТ 10903- 77, Р6М5  Зенкер Ø20, ГОСТ 12489- 71, Р6М5  Цековка Ø25, Р6М5		Штанген- циркуль ШЦ-1 0-150 ГОСТ 166-80	
		1	А юзада И тешик Ø16 мм га пармалансин													
		2	А юзада И тешик Ø20 мм га зенкерлансин													
		3	А юзадаги И тешикда Б юза Ø25 мм га цековкалансин													
												Лойихаловчи	Кенжаев Н.		Варак	
												Рахбар	Мамуров Э.			
															Вараклар	
	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Каф. Мудир	Файзиматов Ш.				

Инв №	Имзо ва сана		Инв №	Имзо ва сана	Пастки фланец			Кўйма						
					Пўлат 25Л ГОСТ 977-85									
Тартиб рақами			Операциялар номи ва мазмуни			Жихозлар (номи ва тури)	Мослама ва ёрдамчи асбоблар (номи ва коди)	Кесувчи асбоблар (номи ва коди)	Ўлчовчи асбоблар (номи ва коди)					
Цех	Бўлим	Опера ция												
		015	Радиал пармалаш			Радиал пармалаш 2Л53У		Спирал парма Ø13, ГОСТ 10903- 77, Р6М5 Цековка Ø20, Р6М5 Машина метчиги М14,У10А Спирал парма Ø8, ГОСТ 10903- 77, Р6М5	Штанген- цикуль ШЦ-1 0-150 ГОСТ 166-80					
		1	В юзада Ø13 мм тешиқ пармалансин											
		2	В юза 15 мм ва Ø20 мм га цековкалансин											
		3	В юзадаги тешиқда М14 мм резба очилсин											
		4	В юзада 4 та Ø8 мм тешиқлар кетма-кет пармалансин											
								Лойихаловчи	Кенжаев Н.		Варак			
								Рахбар	Мамуров Э.					
											Вараклар			
	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Каф. Мудир	Файзиматов Ш.		

Инв №		Имзо ва сана		Инв №		Имзо ва сана		Пастки фланец			Қўйма					
								Пўлат 25Л ГОСТ 977-85								
Тартиб рақами			Операциялар номи ва мазмуни						Жихозлар (номи ва тури)		Мослама ва ёрдмчи асбоблар (номи ва коди)		Кесувчи асбоблар (номи ва коди)		Ўлчовчи асбоблар (номи ва коди)	
Цех	Бўлим	Опера ция														
		020	Вертикал пармалаш						Вертикал пармалаш 2Н118				Спирал парма Ø5,2 ГОСТ 10903- 77, Р6М5 Машина метчиги М6,У10А		Штанген- цикуль ШЦ-1 0-150 ГОСТ 166-80	
		1	3 юзадаги Ø5,2 мм тешик 55 мм чуқурликда пармалансин													
		2	3 юзадаги Ø5,2 мм тешикда 10 мм чуқурликда М 6 резба очилсин													
											Лойихаловчи	Кенжаев Н.		Варак		
											Рахбар	Мамуров Э.				
														Вараклар		
	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Ўзгар	Варак	Хужжат №	Имзо	Сана	Каф. Мудир	Файзиматов Ш.				



## 4. Конструкторлик қисм

### 4.1. Дастгоҳ мосламасини лойиҳалаш ва ҳисоблаш

Лойиҳаланаётган технологик мослама вертикал-пармалаш дастгоҳида деталнинг А юзасидаги И тешигини пармалаб кенгайтири ва зенкерлаш ҳамда бу тешикнинг 10 мм уч қисмини цековкалаш учун мулжалланган.

Мослама стандарт пневмоцилинд билан таъминланган тана, иккита таян ва иккита қисқичдан иборат асос плитадан иборатдир. Деталь таянчларга ўрнатилади. Д юзаси орқали иккита қисқич билан маҳкамланади. Қисқичлар қисил кучини қоромисло орқали пневмоузатмадан олади.

Детални маҳкамлаш учун зарур бўлган қисил кучини аниқлаймиз.

$$Q = \frac{K \cdot M_{\text{кес}}}{f \cdot R};$$

бу ерда

$M_{\text{кес}}$  –қисил кучи моменти;

$f$ -ишқаланиш коэффициентини;

$R$ -ишлов берилаётган тешик радиусини;

$K$ -захира коэффициентини.

$$K=1,5 \div 2,6$$

$$Q = \frac{2,5 \cdot 90}{0,15 \cdot 20} = 75 \text{ кг}$$

Ўзатма тизими учуш пневмоцилиндр диаметрини қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$D = 0,7 \sqrt{Q} = 0,7 \sqrt{75} = 6 \text{ см}$$

Стандарт пневмоцилиндр диаметрини қабул қиламиз.  $D=63 \text{ мм}$

Пневмоцилиндр шток диаметри.  $D=16 \text{ мм}$

Дастгоҳ мосламасини ҳатолигини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин.

$$E_{\text{мос}} = \sqrt{E_T^2 + E_{\text{му}}^2 + E_{\text{тир}}^2 + E_{\text{қийш}}^2}$$

Бу ерда  $E_T$  – мослама деталларини ўрнатиш элементларини тайёрлаш ва йиғиш хатоликларини йиғиндиси, мм.

$$E_T = (1/3 \dots 1,5) S_{\text{дет}};$$

$E_{m.y}$  – моламани дастгоҳда ўрнатиш хатолиги.

$E$  тир – конструктив ораликлар оқибатидаги, мм;

$E_{\text{қийш}}$  – бошқарувчи элементларини тайёрлаш хатоликларидан келиб чиқувчи кесувчи асбобларини қийшайиши ёки силжиши хатолиги, мм;

Мосламада бошқарувчи элемент бўлмаганда  $E_{\text{қийш}} = 0$  бўлади.

$$E_{\text{мос}} = \sqrt{0,003^2 + 0,0025^2 + 0,0025^2 + 0,0025^2} = 0,004 \text{ мм}$$

Мосламаларда аниқлик тавсифлари бўйича ишлов бериш мумкинлиги қуйидаги тенгсизлик бўйича текширилади.

$$E_{\text{мос}} \leq \delta - \sqrt{(k_1 \cdot E_{\delta})^2 + E_m^2 + (k_2 \cdot W)^2}$$

Бу ерда  $\delta$  – чизма бўйича берилган заготовкани ишлов берилаётган юза ўлчамига рухсат этилган четланиши, мм;

$K_1 = 0,8-0,85$  га тенг бўлган коэффициент;

$E_{\delta}$  – хом-ашёни мосламада базалаш хатолиги, мм;

$E_m$  – қисиш кучи таъсири остида мослама элементлари ва хом-ашёни деформацияга учрашадан келиб чиқадиган маҳкамлаш хатолиги, мм;

$K_2 = 0,6 \dots 1,0$  га тенг бўлган коэффициент;

$W$  – ишлов бериш хатолиги .

$$E_{\text{мос}} \leq \delta - \sqrt{(0,8 \cdot 0)^2 + 0,014^2 + (0,8 \cdot 0,015)^2} = 0,28$$

$$0,004 \leq 0,28$$

Демак ишлов бериш мумкин.

## 4.2. Назорат мосламасини лойиҳалаш ва ҳисоблаш

Назорат мослама пастки фланец деталининг Д юзасини Б тешикга нисбатдан перпендикулярлигини текшириш учун мулжалланган. Мослама ушлағичли пробка, унга ўрнатилган ва махсус винт билан оправка орқали маҳкамланган индикатордан иборат. Назорат вақтида детални Б тешигига мослама ўрнатиб индикатор оёқчаси 2 мм таранглик билан Д юзага жойлашади. Мослама дастак ёрдамида ўз ўқи атрофида айлантилиб индикатордан кўрсаткичлар ёзиб олинади.

Умумий кўринишда назорат мосламасининг хатолигининг ҳисобий катталиги мос қуйидагича ёзилади

$$\Delta_{мос} = \Delta_{\theta}^2 + \Delta_p^2 + \sqrt{\Delta_y^2 + \Delta_{yc}^2 + \Delta_l^2 + \Delta_m^2 + \Delta_z^2}$$

бу ерда:

$\Delta_{\theta}$  – мослама ўрнатиш узелларини тайёрлашда чизикли ўлчам бўйича хатолик.

$\Delta_{\theta} = 0,005$  мм;

$\Delta_p$  – узатиш қурилмаларининг систематик хатолиги.

$p = 0,004$  мм;

$\Delta_y$  – ўрнатиш узелидаги назорат қилинаётган деталларни ўрнатишдаги хатолиги.

$\Delta_y = 0,006$ ;

$\Delta_{yc}$  – текширилаётган детал ўлчов базасининг ўрнатиш узел ишчи юзаси билан мос тушгандаги ноаниқлик, детални бир томонлама қисишда бирлаштирувчи ғадир будирликларини деформацияланиши ва қийшиқ ўрнатиш натижасида ҳосил бўлади.

$\Delta_y = 0,001$ ;

$\Delta_l$  – тасодифий хатолик, узатувчи ричаг ўқларидаги тирқишнинг борлиги ва ўларнинг нотўғри ҳаракат натижасида ҳосил бўлади.

$\Delta_l = 0$ ;

## **5. Ташкиллаш бўлими**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида таъкидланганидек Республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари: базавий тармоқларда модернизация, техник ва технологик қайта жихозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мосласувчан минитехнологияларни татбиқ этиш; ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш хажимларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш; иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш; техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш; мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштиришдир.

### **5.1. Деталга ишлов бериш механик бўлимини ташкил қилиш**

Лойиҳаланаётган бўлим пастки фланец деталига ишлов бериш учун мўлжалланган бўлиб, 2 сменали иш тартиби бўйича фаолият кўрсатади. 2 сменали иш тартибида дастгоҳларнинг ҳақиқий йиллик ишлаш фонди  $F_d=4029$  соат, йил давомида иш кунлари сони эса 253 кунга тенг. Ишлаб чиқариш унумдорлиги, унинг техникавий ўсиши ва маҳсулот сифатини ошириш каби

тадбирлар ташкилий ишларнинг энг қулай усуллари ва техник иқтисодий тахлилнинг кенг қўламда қўлланилиши асосида амалга оширилади.

2.3 бўлимдаги ҳисобларга кўра бизнинг лойиҳаимзда қурилаётган бўлим ўрта серияли ишлаб чиқариш турига таалуқли бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми  $N=11000$  дона, детал вазни  $m= 1,2$  кг

5.2. Дастохлар миқдорини аниқлаш.

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида дастохлар сони қуйидагича топилади:

$$C_x = \frac{t_{d.k} \cdot N}{\Phi \cdot 60 \cdot K_{k.c.}},$$

Бу ерда  $K_{k.c.}$  - қайта созлаш коэффициенти (кўпинча  $K_{k.c.}=0,95$  олинади)

$\Phi=4029$ соат -2сменали иш учун,  $\Phi=2030$ соат бир сменали иш учун.

Ҳисоблар асосида олинган дастгоҳлар сони энг яқин бутун сонга келтирилиб қабул қилинган дастгоҳлар сони  $C_k$  аниқланади

$$1. \quad C_x = \frac{3,0 \cdot 11000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,14 \quad C_k=1$$

$$2. \quad C_x = \frac{4,5 \cdot 11000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,17 \quad C_k=1$$

$$3. \quad C_x = \frac{5,7 \cdot 11000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,20 \quad C_k=1$$

$$4. \quad C_x = \frac{2,3 \cdot 11000}{4029 \cdot 60 \cdot 0,95} = 0,12 \quad C_k=1$$

$C_k$  – қабул қилинган дастгоҳлар сони.

Ҳар бир операцияда дастгоҳларнинг юкланиш коэффициенти қуйидаги формула билан топилади:

$$K_{ю} = \frac{C_x}{C_k}$$

$$1. K_{ю} = \frac{0,14}{1} = 0,14$$

$$2. K_{ю} = \frac{0,17}{1} = 0,17$$

$$3. K_{ю} = \frac{0,20}{1} = 0,20$$

$$4. K_{ю} = \frac{0,12}{1} = 0,12$$

Асосий вақт бўйича дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициенти куйидагидай топилади.

$$K_c = \frac{t_{ac}}{t_d}$$

$$1. K_c = \frac{1,6}{3,0} = 0,53$$

$$2. K_c = \frac{3,0}{4,8} = 0,62$$

$$3. K_c = \frac{3,7}{5,7} = 0,64$$

$$4. K_c = \frac{1,3}{2,3} = 0,56$$

## Дастгоҳларнинг кайдномаси

№	Дастгоҳ номи операциялар буйича	Дастгоҳлар сони		Двига- тель кувва- ти, кВт	Юкла- ниш коэффи- циенти	Асосий вақт бўйича фойдаланиш коэффици- енти
		ҳисобий	қабул ки- линг а н			
1.	Токарлик винтқирқар	0,14	1	7,5	0,14	0,53
2.	Вертикал пармалаш	0,17	1	2,8	0,17	0,62
3.	Радиал пармалаш	0,20	1	3,2	0,20	0,64
4.	Вертикал пармалаш	0,12	1	2,8	0,12	0,56

## 5.3 Ишчи ва хизматчилар сони

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида корхоналарда асосий ишчилар сони қабул қилинган дастгоҳлар сонига қараб ҳисобланади.

$$r_{\text{дасг}} = 4 \text{ киши} \times 2 \text{ смена} = 8 \text{ киши}$$

Асосий ишларнинг руйхат сони, қатнашувчи ишчилар сонидан 12-15% ошади, яъни

$$R_{\text{ас.иш}} = 8 \times 0,15 = 2 \text{ қабул}$$

$$8 + 2 = 10 \text{ киши}$$

Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида чилангарлар сони асосий ишчилар сонининг 1-3 % тенг деб олилади, яъни

$$r_{\text{чил}} = 8 \times 0,03 = 0,24 \text{ қабул қиламиз 1 бир киши}$$

Ишлаб чиқаришда қатнашувчи ишчиларнинг умумий миқдори

$$R_{\text{ум}} = 11 \text{ киши}$$

Ёрдамчи ишчилар сони эса асосий ишчилар умумий миқдорининг 30-40 % ни ҳисобида олинади.

$$r_{\text{ер}} = 8 \times 0,3 = 2,4 \text{ қабул қиламиз 3 киши}$$

Жами ишчилар сони

$$r_{\text{иш}} = 14 \text{ киши}$$

Мухандис техник ходимлар асосий ишчилар сонидан 12-15 % ҳисобида олинади.

$$MTX = 8 \times 0,15 = 1,2 \text{ қабул қиламиз 2 киши}$$

Омбор ва идора ходимлари асосий ишчилар сонидан 5-6% ҳисобида олинади.


$OIX = 8 \times 0,05 = 0,4$  кабул киламиз 1 киши

Кичик хизмат курсатувчи ходимлар асосий ишчилар сонидан 1,5-2 % хисобида олинади.


$KXKX = 8 \times 0,02 = 0,16$  кабул киламиз 1 киши.

#### 5.4. Бўлим майдони ҳисоби

Бўлимнинг асосий майдони дастгоҳлар категорияси ва габарит ўлчамларга асосланиб аниқланади.



.1.расм. Дастгоҳларни юкланиш графиги



5.2. расм. Дастгоҳлардан асосий вақт бўйича фойдаланиш графиги.

Бизнинг майдонимизда ҳисобимиз бўйича 4 та дастгоҳ жойлаштирилади. Булардан катта дастгоҳлар  $4 \times 30 = 120 \text{ м}^2$ . Жами  $Q_{\text{он}} = 120 \text{ м}^2$  ташкил қилади.



Ёрдамчи хоналар майдони асосий майдон ҳисобидан 25-30% ҳисобида ажратилади.  $Q_{\text{ёр}}=120 \times 0,25= 30 \text{ м}^2$ . Ташқи майдон ишчи майдоннинг 10% га тенг деб олинади:  $Q_{\text{таш}}= 12 \text{ м}^2$ . Маиший хизмат кўрсатиш учун майдон асосий майдоннинг 20-30% га тенг:  $Q_{\text{м}}= 120 \times 0,22 = 26 \text{ м}^2$ . Бўлим умумий майдони:  $Q_{\text{ум}}= 120+30+12+26 = 188 \text{ м}^2$

## 5.2. жадвал

### Ишчилар сонининг қайдномаси

№	Касби буйича ишчилар	Дастгоҳлар сони	Ишчилар сони	Смена		Ўртача разряд
				1	2	
Асосий ишчилар						
1.	Токар	1	2	1	1	4
2.	Пармаловчи	1	2	1	1	4
3.	Пармаловчи	1	2	1	1	4
4.	Пармаловчи	1	2	1	1	4
	Жами;	4	8	4	4	
5.	Ишчилар		3			
6.	Ёрдамчи ишчи		3			
	Жами;		14			

## 5.3.жадвал

### Хизматчилар сонининг қайдномаси

№	Хизматчилар категорияси	Жами	Смена		Уртача разряд	Изох
			1	2		
1.	МТХ					
а	Булим бошлиги	1	1		6	
б	Катта уста					
в	Уста	1		1	5	
2.	ОИХ					
а	Омбор	1	1		4	
3.	КХКХ					
а	Фаррош	1	1		3	
	Жами:	4	3	1		

## 6. Иқтисодиёт бўлими

Цех бўлимларида технологик жараёнларни лойихалашда унинг самарадорлигини аниқлайдиган асосий кўрсаткич бу ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннархи ҳисобланади.

Технологик жараёни қандайдир операцияси учун қўшимча ностандарт қурилма, мослама механизм қўлланган ҳолда операцияни технологик таннаrxини аниқлаш учун, келтириладиган сарф-харажатларни аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги бошланғич маълумотларни билиш керак бўлади.

1. Йиллик ишлаб-чиқариш дастури,  $N=11000$  дона.
2. Бажарилган операция учун сарфланган меҳнат ҳажми (донавий ёки дона-калькуляция вақти),  $T=4,8$  мин.
3. Ишлатилаётган дастгоҳ модели 2Н125 вертикал пармалаш, унинг прескурант бўйича баҳоси 1000000 млн сўм, юкланиш коэффициенти 0,21 ва асосий вақт бўйича фойдаланиш коэффициенти 0,56 (берилган операция учун).
4. Берилган операция учун иш тоифаси 4 (разряди).
5. Аниқланган разряддаги ишчини соатлик тариф ставкаси, 2500 сўм/соат.

Берилган технологик операцияни бажариш учун сарфланган келтирилган сарф-харажатлар (мосламасиз ва мослама ишлатилган вариантлар учун) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$Z = C + E_n K_c = 610 + 0.15 + 83 = 693 \text{ сўм}$$

бунда,  $Z$  – деталь-операция учун сарфланган келтирилган сарф харажатлар, сўм;  $C$ –берилган операцияни технологик таннархи сўм;  $E_n$  –капитал қуйимларни норматив самарадорлик коэффициенти [машинасозликда  $E_n=0,15$ ];  $K_c$ –битта деталь-операцияга тўғри келадиган солиштирма капитал қуйимлар, сўм.

Бу ерда қуйидаги формуладан аниқланади:

$$K_c = K/N = 920000 / 11000 = 83 \text{ сўм}$$

бунда  $K$ - берилган вариантга сарфланган капитал қўйимлар, сўм;

$N$ - йиллик ишлаб-чиқариш дастури, дона.

Капитал қўйимларга асосан, дастгоҳлар учун сарф харажатлар, (уни ташиши ва монтаж қилиш, ҳамда дастгоҳни ўрнатиш учун, ишлаб чиқариш майдонига сарф-харажатлар киради).

Таркибий ҳисобларда ишлаб-чиқариш майдонлари учун сарф-харажатлар нисбатан озлиги учун ҳисобга олинмайди.

Дастгоҳни ташиш ва монтаж қилиш сарф-харажатлари учун унинг қийматидан 10% миқдорида олинади.

Сериялаб ишлаб-чиқариш шароитида ҳар бир дастгоҳда бир неча ҳар хил операциялар бажарилиши мумкин. Шу сабабли деталь-операция учун капитал қўйимларни аниқлашда дастгоҳни берилган операция билан бандлик коэффициентини аниқлаш керак бўлади. Бу коэффициент дастгоҳни шу операция билан юкланиш коэффициенти « $K_{ю}$ » га боғлиқ. Агар  $\mu = 0,85 \dots 1$  бўлса, коэффициент  $K_{ю} < 0,85$  бўлади, агар  $\mu = 0,85$  бўлса, дастгоҳ бошқа деталлар билан қўшимча юкланади ва  $\mu$  ни қуйидагича аниқланади.

$$\mu = K_{ю}/K_n = 0,17/0,8 = 0,21$$

бунда,  $K_n$  –норматив юкланиш коэффициенти (кўплаб ишлаб-чиқариш учун 0,7 сериялаб ишлаб-чиқариш учун 0,8 майда сериялаб ва доналаб ишлаб-чиқариш учун 0,9 олинади).

Дастгоҳни прејскурант бўйича баҳосини « $K_{пр}$ » деб белгилаб, уни ташиш ва монтаж қилиш учун сарф-харажатни 10% миқдорида аниқланган ҳолда, берилган детал операция учун капитал қўйимларни қуйидагича аниқланади (ностандарт мосламасиз вариант учун)

$$K = 1,1 \cdot \mu \cdot K_{пр} = 1,1 \cdot 0,21 \cdot 1000000 = 192500 \text{ сўм}$$

Операцияни технологик таннархи « $C$ » қуйидаги формуладан аниқланади.

$$C = t_d / 60 \cdot (C_p + H_c) = 4,8 / 60 \cdot (2500 + 61) = 204 \text{ сўм}$$

бунда  $t_d$  – берилган донавий операция учун (дона-калькуляция) вақт. мин;  $C_p$  – дастгоҳ ишчисини бир соат иш вақти учун тўланадиган иш хақи (қўшимча тўловлар ва социал суғурта тўловлари билан биргаликда);  $H_c$  – дастгоҳни бир соат иши учун сарфланадиган, сарфлар сўм;

Донавий (дона-калькуляция) вақти хисобтушинтириш хатини технология қисмида аниқланади.

Дастгоҳ ишчисини иш ҳаққи қуйидаги формуладан аниқланади:

$$C_p = 1,8 \cdot C_q = 1,8 \cdot 240000 = 432\,000 \text{ сўм}$$

бунда  $C_q$  – берилган разряддаги ишчини соатли таъриф ставка, сўм 1,8-қўшимча тўловлар ва социал суғуртани хисобга олувчи коэффицент (40%, мукофотлар, 40% социал суғуртага ажратмалар).

Дастгоҳни бир соат ишига тўғри келадиган сарф-харажатлар қуйидаги эмпирик формуладан аниқланади;

$$H_c = \gamma \cdot 10^{-3} \cdot K^{0,75} = 1,65 \cdot 10^{-3} \cdot 192500^{0,75} = 2,89 \text{ сўм}$$

бунда.  $\gamma$  – ишлаб-чиқаришни характерини ва дастгоҳ эксплуатацияси харажатларини хисобга олувчи коэффицент;  $K$  – берилган дастгоҳга сарфланган капитал қўйимлар, сўм.

Сериялаб ишлаб-чиқаришда дастгоҳ вомослама эксплуатацион харажатларини хисобга олганда  $\gamma = 1,65$ ;

Агар хисобларда мосламани эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар хисобига олинмаса  $a = 1,22$ .

Дастгоҳ қўшимча қурилмалар, махсус жихоз ёки мосламалар билан жихозланган вариантни технологик таннархи хисобланганда, ушбу мослама ёки қурилмани 1 соат ишига тўғри келадиган сарф-харажатлар хисобига олинади, у қуйидаги формуладан аниқланади:

$$H_{np} = 0,18 \cdot 10^{-3} \cdot C_{np} = 0,18 \cdot 0,001 \cdot 50000 = 9 \text{ сўм}$$

бунда  $C_{np}$  – қурилма ёки мосламани тайёрлаш учун сарфланган харажатлар, сўм (иловани 6 жадвали).

У ҳолда операцияни технологик таннархи қуйидагича аниқланади

$$C = t_d / 60 (C_p + H_c + H_{np}) = 4,8 / 60 \cdot (2500 + 2,89 + 9) = 200 \text{ сўм}$$

**6.1-жадвал**

**Ишлов вариантларини иқтисодий асослаш**

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар номи	Белгилани- ши	Ўлчов бирлиги	Натижа	
			Жихозсиз	Жихоз билан бирга
<b>I. БОШЛАНҒИЧ МАЪЛУМОТЛАР</b>				
1.1. Донавий (дона калькуляция) вақти.	$t_{шт}$	дақ		4,8
1.2. Ишнинг тоифаси (разряди)	-			4
1.3. Дастгоҳ ишчиси иш хақи, сўм/соат	$C_{и}$	сўм соат		2500
1.4. Дастгоҳ юкланиш коэффициенти	$K_{ю}$	-		0,17
1.5. Дастгоҳдан фойдаланиш коэффициенти		-		0,62
1.6. Капитал қўйилмалар миқдори	$K$	сўм		192500
1.7. Ностандарт жихоз (мослама) га қўшимча сарф-харажатлар	$C_{пр}$	сўм		50000
<b>II. ТЕХНОЛОГИК ТАННАРХ ХИСОБИ.</b>				
2.1. Дастгоҳ иши учун сарф- харажатлар	$H_c$	сўм		2,89
2.2. Ностандарт жихозни иши учун сарф-харажатлар	$H_{пр}$	сўм		9
2.3. Операция учун технологик таннарх	$C$	сўм		200

## **7. Хорижий инвестициялар бўлими**

Битирув малакавий ишининг хорижий инвестициялар бўлимини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2013 йил 18 январдаги маърузаси чуқур таҳлил қилинди. Ушбу маърузада хорижий инвестиция ва умуман инвестиция жараёни ҳақида кўп маълумотлар берилган.

2012-йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши таъкидланли. Бунинг боиси ва омили авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида. Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди. Замонавий технологияларни жорий этиш, саноат таркибини ўзгартиришга асосий эътибор қаратилди. Ўтган йили телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ҳам катта ишлар бажарилди. Бу борада кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида узунлиги 180 километрдан зиёд

бўлган Бойсун-Денов, Ургут-Шахрисабз оптик толали алоқа линияси ишга туширилди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажақда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3-йилдан 7-йилгача бўлган муддатга кенг қўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда. Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Бу борада 2013-йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда. Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013-йилда фақат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан

хамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда яқин истиқболда янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича 26 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Темир йўл коммуникациялари тизимини жадал ривожлантиришга, юк ташиш ҳажмининг асосий қисмини таъминлайдиган коммуникация тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли тарзда боғлашга биз алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жорий йилда бу борада 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биринчи навбатда, 140 километрлик “Мароқанд – Қарши”, 325 километрлик “Қарши – Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштиришни тугатиш, шунингдек, ҳаракатланадиган таркибни модернизация қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади. Кейинги 10-йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди. “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш



чоралари тўғрисида”ги қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ – чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин. Мазкур қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро ҳуқуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни (масалан, табиий офатлар, фалокатлар ва бошқаларни) мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир.

Ўзбекистонда 2012-йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципи амалда жорий этмоқдамиз.

Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

Ана шу даврда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. 2012-йилда мамлакатимиздаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортиғини аҳоли инвестициялари ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир.

## **8. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими**

**8.1.Лойихаланаётган ишчи жойини меҳнат шароитларининг таърифи ва таълили технологик жараённинг қисқа таърифи ва ишчилар меҳнат таърифи.**

Деталга ишлов бериш жараёни ГОСТ123-002-85 бўйича ишчилар меҳнатини хавфсизлик шароитларини инобатга олган ҳолда тузилган технологик жараён металл қирқиш дастгоҳларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш тизимидир.

Дастгоҳлар мосланиб ва кесувчи асбоблар билан таъминланган. Бу дастгоҳлар универсал ва ярим автоматикдир. Жараёнда детал бита дастгоҳдан иккинчи дастгоҳга қўл ёки махсус қурилма узатиб берилиши мумкин. Бўлимда мавжут бўлган хавфли моддалар СНиП - 93 нормативлар билан меъёрланган. Ишчи жойларини яхшилаш учун бўлимда иссиқ ва совуқ сув, ичимлик суви дам олиш жойлари кўзда тутилган.

Ишлов бериш вақти ажралиб чиққан чириндилар ер остидаги конвейер ёрдамида ташқарига олиб ташланади.

Ёнғинни олдини олиш учун сигнализация, ёнғин шити ёнғин гидранти мавжут. Цех бир эаажли бинода жойлашган бўлиб, светаэрацион фанарлар, вентиляция ва табиий ёруғлик билан таъминланган. Хавфли зоналарнинг ҳамасини атрофий ўралган. Дастгоҳлар махсус фундаментга ўрнатилган.

Бўлимда зарурий электрохавфсизлик қоидалари кўзда тутилган. Технологик жараёни механизациялаш ва автоматизаоиялашган.

8.1.1.Технологик жараёни механизациялаш ва автоматизациялаш меҳнат шароитини енгилаштиради. Меҳнат сиғими ва ёрдамчи вақт ҳам камаяди. Шунинг учун загатовка цехда ва ташқаридан транспортёр ёрдамида ташилади. Осма кран ёрдамида дастгоҳлар монтаж ва демонтаж қилинади. Чиққан чириндилар ер остидаги конвейер ёрдамида олиб ташланади.

Қўланилган мосламалар иложи борица механизацияланган. Оғир юк ва дастгоҳларни кўчириш учун кранбалка қўланилади.

### 8.1.2.Лоийхада ҳавфли ва зарарли омиллар ва уларнинг таърифи

Бўлимда бир нечта зарарли ва ҳавфли омиллар мавжуд. Зарарли оминлар биринчи механик ишлар беришдаги, яъни кесиб ишлашдаги ажраладиган чанг, товуш, вибрациядир. Чанг одамнинг организмига кириб нафас олиш йўларини касаллантиради ва кўз пардасини ишдан чиқариши мумкин. Вибрация, яъни тебраниш туфайли профессионал касалликлар пайдо бўлади. Чиқадиган товуш одамнинг миёсига таъсир этиб уни чарчатади ва маълум касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳавфли оминлар бу металлга ишлов берган вақтида стружка, асбоб синиғлари учиб одамга жароҳат қилиши мумкин. Бундан ташқари ҳавфли омилларнинг бири электр токи. Чунки ҳамма жихозлар электр токи билан ишлайди.

8.1.3.Бўлимда ўтиш ва транспортда ўтиш йуллари ҳам мажуд, улар меерга караганда, йўллар – 2000 мм, а ўтиш жолари ва дастгоҳдан 800 - 1200 мм тенг бўлишлари шарт. Уларни сони технологик жараён катта - кичиклигига караб олинади. Одамни улчови 800 мм оланади. Одам ва станок орасидаги масофа 1500 мм қилиниб олинади.

## **8.2. Ишлаб чиқариш жойидаги ёритилиш тизимини танлаш**

Саноат тармоқларига ёритилганлик нормаларига мос ҳолатда корхона учун ёритиш тизимини табиий ва суний ёритилиш олдинади.

Лойihalанаётган бўлимда табиий ва суний ёруғлик кўзда тутилган.

Табиий ёритилиш онак ва фоанларлар орқали бажарилади, ТЕК меъёри 0,1-10% олинади. Суний ёритилиш еса газоразрядли лампалар орқали амалга оширилади. Бу люминесцентли лампалардир. Нормал иш шароитини таъминлаш учун СН и П11-4-79дан фойдаланиб ҳисоб китоб қилиналди.

Ёритилиш оқимидан фойдаланиш курсаткичига асосланган ҳисоб китоб шуни крсатди, керакти нур оқими  $F_d=5220$  лм бўлиши керак экан.

Бўлимда талаб этилган ёруғлиш ўртачаси 300 лкга тенг. Лампалар сонини қуйдагича топамиз:

Гигиеник талабларга асосан бита ишловчига маълум иншоотни ҳажми ва майдони белгиланади. Шунинг учун ҳар бир ишчига КМК бўйича  $20 \text{ м}^2$  майдон ва  $80 \text{ м}^3$  бино ҳажми ажрататилган.

$E_n = 300 \text{ лк}$  – ёритилиш булиши керак.

$S = 270 \text{ м}^2$  - ёритиш майдони

$K = 1,6$  - каэффиценти

